
"Калдушонлик" оналарга эҳтиром кўрсатилган тадбирда Маликахон ая набирасининг суннат тўйи ўтказиб берилди

"Калдушон" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилиб кексалик гаштини сураётган оналарга байрамона тадбир ташкил этилди. Тадбирда ташкилотчилар томонидан уларнинг кўп йиллик сермахсул меҳнатлари эътироф этилган ҳолда чинакам эҳтиром кўрсатилди.

Ушбу йиғин яна бир эзгу тадбирга уланиб, маҳалла аҳли хамжихатлигида суннат тўйи ҳам ўтказилди. Тўй болага совға-саломлар улашилиб, ўксик кўнгиллар шод этилди.

Байрамга йиғилганлар кўрсатилган ҳурмат намунасидан руҳланиб, юртимиз фаровонлиги, тинчлик ва хотиржамлик тилаб дуога қўл очишди.

Бу каби эзгу тадбирлар маҳаллалар бўйлаб давом этмоқда.

2023-05-10 11:04:32